

Парпиева Одинахон Рахмановна, катта ўқитувчи

Ҳожикаримова Гуласал Таджиалиевна, ўқитувчи

Назирова Арофатхон Махмуджон кизи, талаба

Фарғона давлат университети

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада талабаларнинг педагогик салоҳиятини шакллантириш, компетенциявий ёндашувга асосланган таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни тадбиқ этиш, ахборот коммуникация технологиялари воситаларидан дарс жараёнида фойдаланиш, давлат таълим стандартларини ривожланган мамлакатлар даражасида тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш, талабаларнинг билими, кўникмаси ва малакаларини, компетенцияларини фаоллаштириш келтирилган.

Калит сўз ва иборалар: ДТС, компитентлик, таълимда инновация, мотивация, модернизация, потенциал

Аннотация: В статье рассматривается формирование педагогического потенциала студентов, внедрение современных педагогических технологий в образовательный процесс на основе компетентностного подхода, использование информационно-коммуникационных технологий в учебном процессе, подготовка и реализация государственных образовательных программ. стандарты в развитых странах. Активация навыков и компетенций.

Ключевые слова: компетентность, инновационное образование, мотивация, модернизация, потенциал.

Ўзбекистон республикаси ВМнинг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори ва унинг 1-илоvasида “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти” эълон қилинди. Ушбу ДТС (Давлат таълим стандарти) мазмун-моҳиятига кўра компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС номи билан таълим тизимида кириб келди.

ДТС талабларини бажаришда компетенциявий ёндошувни амалга ошириш учун таълим жараёнида инновацион таълим муҳитини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг педагогик салоҳиятини шакллантириш учун эса компетенциявий ёндашувга асосланган таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни тадбиқ этиш, ахборот коммуникация технологиялари воситаларидан дарс жараёнида фойдаланиш, давлат таълим стандартларини ривожланган мамлакатлар даражасида тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш, талабаларнинг билими, кўникмаси ва малакалари, шунингдек компетенцияларини фаоллаштирувчи турли хил даражадаги таълим технологияларидан фойдаланиш шу куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Компетенциявий ёндашув асосида вужудга келтириладиган инновацион таълим муҳитини шакллантириш учун эса, энг аввало талабалардан сўнги йиллардаги фан-техника янгиликлари билан танишиб бориши ва амалиётга жорий этиш муаммоларини мунтазам ўрганиб бориши талаб этилади.

Ўқитиш жараёнида инновацион таълим муҳитини яратиш натижасида биринчидан, талабаларнинг педагогик жараёнга кириб бориш жараёни тезлашади, иккинчидан, талабанинг педагогик маҳорати шакллана боради, учинчидан эса педагогик касбларга бўлган талабанинг иштиёқи ортади.

Лекин, ўқитувчининг педагогик фаолиятига мажмуали ёндошмаслиги, касбий мотивациясининг пастлиги, педагогик маҳоратини ошириш бўйича ўз устида мунтазам ишламаслиги, маълум даражада таълим тизимини янада ривожланишига, таълим-тарбия жараёнини шаблон тарзида ташкил этилишига, қолаверса таълим масканида инновацион таълим муҳитини шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Инновацион таълим муҳитини яратиш учун таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг малака даражасини мунтазам назорат қилиб бориш зарур. Бунинг учун мунтазам очик дарслар, очик маърузалар ва ўзаро дарсларни кузатиш ва таҳлил этиш жараёнини янада ривожлантириш лозим. Унда ҳар бир ўқув фанининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиши, ўқитувчининг касбий-педагогик тайёргарлиги даражаси, педагогик

компетентлиги (лаёқати), шунингдек, ўқитувчилар томонидан ўтказилган дарсларни кузатиш ва мажмуали яъни педагогик, психологик ва методик таҳлил қилиш назарда тутилиши муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида қайд этилган инновацион таълим муҳити талабларини таълим-тарбия жараёнига мажмуа ҳолда жорий этиш учун эса, ўқитувчининг педагогик компетентлигини ривожлантириш зарур. Бунинг учун эса, талабаларнинг таянч ва фанлар бўйича компетенцияларидан ўринли ва унумли фойдаланиши, педагогик компетенцияларни шакллантириш жараёнига мажмуали ёндашиш талаб этилади.

Ўқитувчининг дарс жараёнига мажмуали ёндошуви натижасида касбий маҳорати, малакаси ва салоҳияти, ҳамда ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини оширишга, шунингдек ўқувчилар билим даражасини янада юқори поғоналарга кўтарилишини таъминлайди. Бунинг учун эса ўқитувчилар ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялари воситаларидан фойдаланиш жараёнига инновацион ёндашув асосида янгиликлар киритиб бориши, модернизация жараёнини тезлатиши ва ўқитувчининг педагогик компетентлигини ривожлантириш орқали ўқувчилар билим даражаси ва салоҳиятини кўтариш лозим.

Ўқитувчининг педагогик компетентлигини янада ривожлантириш ва инновацион таълим муҳитини яратишнинг асосий омиллари ўқитувчиларининг барча мутахассислик фанлари бўйича малака талабларини компетенциявий ёндошув асосида шакллантириши, фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуалар тайёрлаш, малака ошириш курсларини ўқитувчи эҳтиёжига асосланган ҳолда ташкил этиш ва унда ўқитувчининг педагогик тайёргарлигини касбий диагностик таҳлил қилишни йўлга қўйиш ва ўқувчиларда аниқланган бўшлиқларни бартараф этиш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур. Чунки, ўқитувчининг замонавий билимларни, фан янгиликларини билиши, педагогик компетентлик(лаёқат)нинг ривожланишини назарда тутишига ва замонавий баркамол ёш авлодни тарбиялашига асос бўлади.

Шунинг учун инновацион таълим муҳити талабларини таълим-тарбия жараёнида бажариш баробарида мавзулар талқинини даврий равишда инновацион ёндошув асосида модернизациялаб бориш, таълим муассасаларининг барча фанлари кесимида электрон қўлланмалар яратиш, мавзулар бўйича тақдимотлар тайёрлаш, талабаларнинг педагогик амалиётини сифатли ташкил этиш, ўқитувчининг педагогик тайёргарлигини диагностик таҳлил қилиш механизминини янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ишлари бажарилса, таълим жараёнида инновацион таълим муҳити талаб даражасида ортади ва талабалар билим даражаси янада юқори даражага кўтарилади, педагогик маҳорати босқичма-босқич шакллана боради. Шунингдек, талабанинг педагогик касбларга бўлган иштиёқи ортади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Горская Г.И., Чуракова Р.Г. Мактабда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш. Ўқитувчилар учун қўлланма. Тошкент-“Ўқитувчи” 1990 йил. 210 бет.
2. Ахмедов М., Солижонов И., Носиров Н. Инновацион таълим муҳитини шакллантиришда компетенцияларнинг аҳамияти. World social science. Scientific - practical journal. Москва. 3. 2018 г.
3. О.Парпиева, Н. Болтабоева «Этапы решения педагогической задачи» Международный научно-практический журнал Теория и практика современной науки” Электронное научно-практическое изд. Вып. №6(48) 2019. 388-391 стр.
4. O.Parpiyeva, A/Ostonaqulov // Psychology of patients with oncological diseases// International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science 06 (74) 2019. Philadelphia, USA. 642-645 page.
5. Н.Абдукаримова, О.Парпиева, Ё.Муйдинова “Пандемия шароитидаги ҳомиладор аёллар ва чақалоқларга тиббиёт тавсияларининг аҳамияти” “ACADEMIA SCIENCE” “UzACADEMIA” scientific-methodical journal. ISSN (E) -2181-1334. 31.08.2020-yil. PART-12 370-377 стр.

6. O.R.Parpieva, E.Muydinova, G.Safarova, N.Boltaboeva //Social and psychological aspects of a healthy life style// ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN (online) : 2249-7137.Vol. 10, Issue 11, November 2020.
7. Parpieva Odinakhon Rakhmanovna, Ostanaqulov Alijon Dadajon Ugli, (2021). //Modern Scientific Research In Oncological Diseases// *The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research*, 3(03), 117-121стр
8. Axmedov, M. M., Hojikarimova, G. T., Boybabayev, R. H., & Safarova, G. M. (2021). Supporting innovative approaches in the education system. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 11(1), 38-41.
9. Hojikarimova, G., & Safarova, G. (2020). O'QUVCHILAR IJODKORLIK FAOLIYATINI SHAKLLANTIRISH SHART-SHAROITLARI. Сборник наукових праць ЛОГОΣ, 56-58.
10. Avazboev, A., & Hojikarimova, G. (2019(2019). СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ КРЕАТИВНОСТИ УЧАЩИХСЯ. Вестник науки, 5(6), 150-153
11. О.Парпиева “Абу Али Ибн Сино ҳаёти, ижоди ва таълимоти” “Role of the using innovative teaching methods to improve the efficiency of education”. Collection of internasional scientific articles. Volume I. Moskow 31 октябрь 2017. 162-172-стр.
12. О.Парпиева Н. Содикова “Олий таълимда таълимий кейсларни яратишнинг айрим услубий масалалари”. IX Международной научно-практической интернет-конференции «Тенденции и перспективы развития науки и образования в условиях глобализации»: Сборник науч. трудов. – Переяслав-Хмельницкий, 3-4 декабрь 2015. – Вып. 9. –526 с. 208-211 стр.